

10-10-2019

THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY.

Serobjon Urmonalievich Yuldashev
Teacher at FerSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Yuldashev, Serobjon Urmonalievich (2019) "THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 35.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/35>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ.

Юлдашев Серобжон Ўрмоналиевич
ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жамиятдаги ижтимоий-маданий технологияларнинг ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятдаги объектив ва субъектив омиллари янги ислохотлар учун зарурат эканлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: Жамият, давлат, ижтимоий-маданий технологиялар, жамиятни илмий бошқариш, объект, субъект, интеграция.

РОЛЬ СОЦИОКУЛЬТУРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБЩЕСТВЕ.

Юлдашев Серобжон Урмоналиевич
Преподаватель ФерГУ

Аннотация: В данной статье анализируется роль и значение социокультурных технологий в обществе. Научно обосновано, что объективные и субъективные факторы социокультурных технологий в обществе необходимы для новых реформ.

Ключевые слова: Общество, государство, социокультурные технологии, научное управление обществом, объект, субъект, интеграция.

THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY.

Yuldashev Serobjon Urmonalievich
Teacher at FerSU

Abstract: This article analyzes the role and importance of socio-cultural technologies in society. It is scientifically justified that objective and subjective factors of socio-cultural technologies in society are necessary for new reforms.

Keywords: Society, state, socio-cultural technologies, scientific management of society, object, subject, integration.

Давлат ва жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий-маданий жараёнларда объект ва субъект муносабатларининг диалектик алоқаларини ўрганиш заруратидан келиб чиқади. Барчамизга аёнки, ислохот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислохотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради [1.41] – деб таъкидлайди, Президент Шавкат Мирзиёев. Шу сабабли ҳам давлат ва жамиятда туб ўзгаришларни амалга ошириш учун инсонларнинг дунёқараши ўзгари кераклиги аҳамиятлидир.

Жамиятдаги ижтимоий-маданий жараёнларнинг ташкил топиши ва тараққиёти, аввало, кишиларнинг бирон-бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ бўлади. Бу фаолликни ҳаракатга келтирувчи ҳар қандай

воқеа-ҳодисалар, омиллар эса жамиятда устувор бўлувчи ягона мақсад ғоялар, шахслар фикр-мулоҳаза юритишлари, пировард натижа амалий тажрибадан олинган бўлиб, ижтимоий борлиқни, ундаги шахс алоқалари ва муносабатларини, яъни маданий индикаторларини ўзида акс эттиради.

Онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган инсон ижтимоий-маданий фаоллигининг субъектив табиати, жамиятда таркиб топадиган барча жараёнлар ривожига ўз таъсирини ўтказди. Инсонларнинг ушбу субъектив фаолияти, уларнинг хоши-иродасига боғлиқ бўлмаган муайян ижтимоий-маданий технологиялар воситасида амалга ошириш туфайли, баъзан объектив, яъни ҳеч ким хоҳламаган, баъзан кутилган (илмий асосланган) натижаларга олиб келади. Инсон ўз амалий фаолиятида ташқи олам билан дуч келади, унга муҳтож бўлади ва шундан келиб чиқиб, ижтимоий-маданий фаоллиги амалга ошади.

Жамият тараққиётнинг муайян босқичларида ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлод яратиб қолдирган моддий ва маънавий бойликлар, яъни миллий ва умуминсоний қадриятларни, ишлаб чиқариш соҳасидаги, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни мерос қилиб олади ва ўз фаолиятини ана шу мерос асосида шакллантиради. Тараққиёт натижасида амалий фаолияти туфайли шу “мерос”ларни ислоҳ қилиш ривожлантириш ижтимоий-маданий технологияларнинг якуний мақсади ҳисобланади.

Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва ʼлат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва хушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллигини ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз [2.51]. Шунинг учун ҳам пайдо бўлиши мумкин бўлган хавф-ҳатарни олдини олиш ва уни ривожланишига қарши жамиятда замонавий ахборот, маданий, таълим, профессионал маконни яратиш зарурати пайдо бўлади. Анашу боғлиқлик сабаб ижтимоий-маданий технологияларнинг мантиқий асослари ва таснифи мунтазам ўзгариб боради. Маданий йўналтирилган технологиялар сифатида замонавий муҳитда маданий бойликларни ўрганиш, сақлаш, тиклаш (тиклаш), ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш технологиялари мавжуд бўлади.

Ижтимоий-маданий технологиялар маданий қадриятларни яратиш ва ривожлантириш технологиялари, болалар, ўсмирлар ва катталарнинг ижодий ривожланиш технологиялари билан жамият юксалишига хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, жамият урф-одатлари ва қонун-қоидаларининг объективлигига доир масаланинг мураккаблиги шундаки, ушбу ижтимоий-маданий қадриятлар таркибига, албатта, субъектив омиллар ҳам киради. Умуман олганда, ижтимоий-маданий ҳаётдаги барча муносабатлар, жараёнлар объективлик билан субъективлик ўртасидаги ўзаро алоқадорликдан иборат. Субъектив-объектив жараён шаклидаги инсонларнинг ижтимоий-маданий фаоллиги жамият соҳаларида акс эттираётган қонун-қоидалар субъективликни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Ижтимоий-маданий технологиялар ривожланишининг объективлик билан субъективлик муносабатлар ва ҳодисаларининг мураккаблиги қуйидагича талқин

қилинади. Инсоннинг ўз эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиқиб ижтимоий борлиқни ўзлаштириши ва ўзгартириши, яъни ислоҳ қилиши узлуксиз объективликнинг субъектлашиш жараёнини билдирса, айти пайтда инсон фаолияти натижаларининг объектив реалликка айланиши, моддийлашуви эса унинг объектлашиш жараёнини билдиради. Объективлик билан субъективлик ўртасидаги ўзаро ижтимоий-маданий муносабатларга киришиш ва уларга нисбатан диалектик нуқтаи назардан ёндошиш, бизнингча, тўғри бўлади, чунки ижтимоий-маданий технологиялар тараққиётида улар фақат ўзаро алоқадорликда бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир аниқ ҳолатда бир-биридан нисбий мустақил ҳамдирлар. Бошқача айтганда, ижтимоий-маданий фаолиятнинг у ёки бу тури амалга ошиш вақти ва жойига қараб ҳам объектив, ҳам субъектив шаклда намоён бўлиши мумкин. Шунга кўра, объективликнинг субъективликдан фарқи бўлади, лекин бу фарқ доимо ўзининг нисбий чегарасига эгадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг субъекти билан унинг объектлари ўртасидаги диалектик алоқадорликни тадқиқ қилиш ижтимоий-маданий муносабатларни билишнинг асосий ва муҳим методологик талабларидан биридир.

Ижтимоий-маданий технологиялар – маълум ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришиш йўлида инсоннинг мақсадли фаолиятини амалга ошириш усулига айтилади. Ушбу усулнинг моҳияти – бу бажариладиган ишлар келгусида мувофиқлаштириш ва синхронизациялаш (баб-баравар) ҳамда рационал онгни тақсимлашдан иборатдир. Бундай тақсимлаш аввал, онгли ва режали илмий билимлардан, илғор тажрибалардан, шунингдек инсон фаолияти амалга ошириладиган соҳаларни ўзига хослигини олган ҳолда амалга оширилади. Интеграциялашган тизим ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи бўлиб, у бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий ва бир вақтни ўзида ижтимоий-иқтисодий шаклланишни ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир [3.42]. Шунга кўра, Ижтимоий-маданий технология маданиятнинг элементи ҳисобланади ва икки йўл билан пайдо бўлади. *Биринчидан*, бажариладиган ишлар ва дастури сифатида (уларнинг мазмуни-фаолият кўрсатишнинг усуллари, воситаларидан иборат) ва фаолиятнинг дастурига мувофиқ тузилганлигини билдиради. Дастурнинг ўзига хослиги ижтимоий-маданий технологиялар фаолиятини йўналиши ва мазмунини жуда муҳим тарзда олдиндан белгилаб бериши билан ифодаланади. *Иккинчидан*, ижтимоий-маданий технологиялар жамиятда эволюцион тарзда ёки унинг қонунлари асосида сунъий равишда ташкилий йўл билан қурилади ва вужудга келади.

Ўз ўрнида ижтимоий-маданий технологиялар жамиятни илмий бошқаришда муҳим элемент сифатида кўриб чиқилади, зеро ижтимоий-маданий технологиялар объектив қонунларнинг талабларини ижтимоий бошқаришнинг ижтимоий амалиётга кўчириш-ўтказиш воситаси ҳисобланади. Жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари шахсларни рағбатлантирувчи, тартибга солувчи, аниқ қарорлар, меъёрлар, кўрсатмалар шаклида ифодаланади. Бу жамиятда аниқ олдинга қўйилган мақсадларга энг яхши натижаларга эришишни таъминлайди.

Ижтимоий-маданий технологиялар жамиятда амал қилаётган қонун ва қоидаларни амалиётда, яъни ижтимоий ҳаётда тадбиқ этилишининг усуллари, меъёрий даражалари ва хусусиятларини ифодалайди.

Ижтимоий-маданий технологияларни ишлаб чиқиш – бу жамият бошқарув фаолиятининг алоҳида илмий-амалий йўналиши, яъни ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни аниқлаш мақсадида билимларни трансформациялаш, қарорларни тайёрлаш, уларни ўзгартириш, ривожлантириш ва амалга оширишдир.

Шундай қилиб, ижтимоий-маданий технологиялар тушунчаси қуйидаги тўрт маънода ишлатилади:

- Методлар, воситалар – предметлар ва ижтимоий жараён ва тизимларга таъсир қилувчи шахс фаолиятини ташкил этиш усуллари. Ижтимоий-маданий технологиялар ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсирини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этади: бир томондан субъектлар, субъект – ўзаро ҳаракат ташкилотчиси ва қайта қуришнинг ташаббускори, иккинчи томондан – ижтимоий субъект – ўзаро ҳаракат иштирокчиси;

- Ижтимоий-маданий технологияларни қўллашга ўқитиш, яъни ўрганиш;

- Фаолиятни қайта қурувчи тегишли методлар ва амалга ошириш тартиби масалаларини кўриб чиқадиган инсон билими соҳаси. Шу маънода, уни ижтимоий-маданий технологияларни алоҳида мустақил илмий фан сифатида қараш мумкин бўлади.

- Ижтимоий субъектларни мақсадли тарзда ўзгартириш инсон фаолиятини энг муҳим характеристикасини ифодалайди [4.121].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларни қўлланиши ва келиб чиқишини ҳулоса қилсак ундан қўйидагича , яъни ижтимоий-маданий технологиялар – одамлар томонидан мураккаб жараёнларни бошқаришда аниқ (конкрет) жараёнларга ажратиб олиш, ўзаро узвий боғлиқ иш тартиби ва системаларни шакллантириш йўли билан кўпроқ ёки озроқ, бир хил даражада бажариладиган юқори самарадорликка эришиш усулини акс эттиради.

Ижтимоий-маданий технологиялар жамиятни илмий бошқаришнинг ҳаракатга келтирувчи куч, аввало, кишиларнинг реал фаолияти бўлиб, унинг сабаблари муайян жамиятга хос зиддият ва қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Ижтимоий-маданий технологиялар у ёки бу жамиятга, хос бўлган муносабатлар табиатидан келиб чиқиб, баъзан турли хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ўзаро зид келиши сабабли амалга ошса, баъзан эса, аксинча, ижтимоий гуруҳлар асосий манфаатларининг ўзаро мос келиши асосида амалга оширишдир. Ҳар қандай ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятни илмий бошқаришда ўзаро таъсир қилувчи томонлари бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг объектив ва субъектив омиллари ҳисобланиши билан муҳимдир.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28 dekabr 2019 yil. Toshkent. "O'zbekiston", 2019.

2. Karimov I.A. YUksak ma'naviyat-engilmas kuch. Toshkent. "Ma'naviyat". 2008.
3. Afanasev V.G. Nauchnoe upravlenie obshestvom. Moskva. IPL. 1973.
4. Afanasev V.G. Sotsialnaya informatsiya i upravlenie obshestvom. Moskva. 1975.
5. Abu Nasr Farobiy Fozil odamlar shahri. Toshkent. YAngi asr avlodi. 2016.
6. Falsafa: izohli lug'at. – Toshkent. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi I.Mo'minov nomidagi Falsafa va huquq instituti nashriyoti, 2009.